




# ЧИНАКАМИГА «ТАНСИҚ НОН»

Суратли лавҳа

***Эрталаб нонуштага иссиқ нон харид қилиш учун дўконга борамиз. Бўрсилдоқ нонни дастурхонга қўяр эканмиз, кўпчилигимиз мана шундай мазали нонларни аҳолига етказиб бераётган новвойларимиз меҳнатидан мамнун бўламиз. Шундай жамоалардан бири пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган, ўзининг турли-туман маҳсулоти билан аҳоли эҳтиёжини қондираётган «Тансиқ нон» ҳиссадорлик жамиятидир.***

Корхонада бугунги кунда 19 турдаги сифатли нонлар ишлаб чиқарилмоқда. Туман ва шаҳримиз аҳолисининг нонга бўлган талабини дилдан ҳис этган ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Яқинда бу жамоада янги турдаги нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги очилган бу цехга «Краснодармаш» машина-қурилиш заводида тайёрланган янги технология ўрнатилиб, ишга туширилди.

— Янги технология асосида буғдойдан тайёрланаётган маҳсулотимиз, — деди ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Валентина Добриднева, — инсон соғлиғи учун жудаям фойдалидир. Уни ошқозон ва ошқозон-ичак касалликлари бор беморлар истеъмол қилишса, ана шу аъзолар иш фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Янги очилган цехда иш қизғин. Уста Феликса Гутовская етакчилик қилаётган бу цехда 7 нафар тажрибали ишчи меҳнат қилмоқда. Улар янги технология асосида нон тайёрлашни тезда ўзлаштириб олишди.

— Бу маҳсулотимизнинг бошқа нонлардан фарқли томони шундаки, — деди Феликса Станиславовна, — у дондан тайёрланади. Бу дастгоҳ бункердан тушган буғдойни қипиқдан тозалайди, сўнгра у ювилиб, 18-22 соат давомида 32-33 даражали сувда ивитилади. Ивитиш маромига етгач дон диспергаторга солинади ва унга керакли қўшимча маҳсулотлар қўшилади. У ерда тайёр бўлган хамирдан эса нон зувалалари ясалади. Бу нонларни харидорларга ўз вақтида етказиб бериш учун новвойларимиз эрта тонгдан иш бошлашади.

Ҳозирда корхонада кунига 1000-1200 дона ана шундай шифобахш нон тайёрланмоқда. Ноннинг сифатли ва мазали чиқишида оператор Евгений Глебов ҳамда қолипловчи Саодат Рисбоеванинг улушлари каттадир.

— Сермашаққат меҳнатимиз эвазига тайёрланаётган иссиқ нонларимизни тановул қилган ҳар бир харидор, — дейди Саодат Рисбоева, — мамнун бўлса, шу бизнинг ишимизга берилган энг юксак баҳодир. Оила йилида ҳар бир хонадоннинг дастурхони бўрсилдоқ ва мазали нонлар билан тўлсин.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

*СУРАТЛАРДА: янги ишга тушган цехнинг устаси Феликса Гутовская ва новвой Татьяна Букатниковалар тайёрланган маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқда; новвой Марат Сулюков иш устида.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



Ўзбекистон XXI аср бўсағасида

# ОСОЙИШТАЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

***Асримиз ниҳоясига етиб қолди. У ўзининг мазмуни ва моҳиятига, унда бўлиб ўтган ва ўтаётган ҳодисалар аҳамиятига кўра катта тарихий даврга тенг. Инсон тафаккурининг мисли кўрилмаган ривожи, оламшумул кашфиётлар, илм-фан тараққиёти жуда илгарилаб кетди. Буларнинг ҳаммаси жамият ҳаётида ўз аксини топаяпти. Жамият ҳаётида ижобий воқеалар қатори, муаммолар ҳам пайдо бўлаяптики, кейинги тараққиётни таъминлаш учун уларни ҳал этиш ҳаётий заруриятлардан бирига айланмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда исломшуносликнинг Президентимиз И. А. КАРИМОВнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган китобларидан келиб чиқадиган бугунги кундаги долзарб масалаларини белгилаб олиш зарур вазифалардан биридир.***

Маълумки, дин жамият ривожига асрлар давомида таъсир этиб келаётган омиллардан биридир. Ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўпгина ўзгаришлар доимий равишда муайян диний тартибларнинг вужудга келишига сабаб бўлиб турган. У бутун тарих давомида давлатларнинг мафкуравий йўналишини белгиловчи ғоявий омил сифатида ҳам майдонга чиққан. Лекин айрим ҳолларда диндан баъзи доираларнинг ғаразли мақсадларига етишиш воситаси, ҳаттоки мутаассиблик, яъни фанатизм йўлида ҳам фойдаланилгани сир эмас.

Президентимизнинг мазкур китобларида кўтарилган муаммолар жамиятимизда бўлаётган ҳодисаларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг энг долзарб вазифаларимизни ҳам белгилаб беради. Булардан бири диний таассуб ва экстремизмнинг олдини олиш, улар билан курашиш воситаларини белгилашдир. Президентимиз китобида таъкидланганидек, таассуб, яъни фанатизмнинг юзага келишига кўпроқ жамиятдаги **«сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади»**. Дарҳақиқат, **«диний тизимларнинг ўзи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали дастурларини таклиф қилишдан олис»** бўлганлиги учун бу муаммоларнинг осонгина ечими сифатида динлар вужудга келган замонлардаги жамиятда мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитларга қайтишни маъқул кўрадилар. Лекин дастлабки шароитлар давридан кейин ўтган асрлар довонидан яна ортга қайтиш умуман мумкин эмаслигини эътиборга олмайдилар. Диний таассуб байроғини илгари сураётган оқимларнинг ички механизмини тушуниб етишда фанатизм асосида диний таълим савиясининг пастлиги, бинобарин диний жаҳолат ётишини назарда тутмоғимиз зарур.

Таассубликни илгари сураётганлар ўз мақсадларини аниқ тасаввур этадилар, лекин уларни амалга оширишда «жоҳил» халқ оммасини, айниқса, ёшларни ўз ниятларига етишиш қуролига айлантириш мақсадида ҳаракат қиладилар. Шунинг учун, назаримизда таассуб билан курашиш чораларидан бири оммага тегишли диний билимларни илмий асосда тўғри беришдир.

Мустабид тузум замонида атеизм байроғи остида олиб борилган кураш натижасида Ислом динининг мамлакатимиздаги билимдон, мўътабар олимлари тазйиқ остига олиндилар. Оддий фуқаро у ёқда турсин, ҳаттоки дин арбоблари ҳам кўпгина диний адабиётлардан маҳрум этилдилар. Қуръон, тафсирлар, ҳадислар тўпламлари мамлакатимизга кириши ман этилган адабиётлар рўйхатидан жой олди. Исломий маърифат тақиқлаб қўйилган ана шундай оғир шароитда етук мураббийлар камайиб, Исломни илмий асосда ёритиш муаммолари назардан четда қолди. **«Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат улargина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар»**, деб таъкидланади китобда. Бинобарин, халқ оммаси орасида диний жаҳолатпарастликка қарши кураш олиб бориш Президентимиз китобларидан келиб чиқадиган ва бугунги кундаги исломшунослик олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳарбийларда «вазиятни аниқ билиш» деган яхши гап бор. Бугунги кундаги диний аҳволни аниқ ва чуқур билишимиз учун республика миқёсида дин арбоблари билан доимий равишда учрашиб, илмий-маърифий, илмий-назарий семинарларни мунтазам олиб боришимиз зарур кўринади. Бу йиғилишларда республикадаги йирик илмий йўналишларнинг кўзга кўринган вакиллари маърузалар қилиши керак. Дин арбобларимиз ҳам омма олдида маъруза қилиш билан бир қаторда илм-фан оламида бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб турсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Ушбу семинарлардан кейинги чиқишларда, мунозараларда биз ҳар бир вилоятдаги, тумандаги диний муаммолар нималардан иборат эканлигини билиб оламиз, уларни ҳал этиш йўлида керакли чора-тадбирларни ахтарамиз, биргаликда умумий ишларни амалга оширамиз, ҳамнафас бўлиб ишлаймиз. Лекин бугун ҳамнафаслик сезилмаяпти. Оддий мисол: барча мусулмон давлатларида келаси ойда масжидларда ўқиладиган хутбалар матни бир ой олдин ҳафтама-ҳафта аниқланиб, масжид имомларига топширилади. Ҳар бир имом ана шу юқори илмий кенгаш тарафидан тайёрланиб, тасдиқланган хутба матнидан четга чиқмаган ҳолда маъруза қилади. Бу билан мусулмончиликнинг энг асосий шарти «тавҳид»га путур етмайди, «тафриқа»га (бир масаланинг турли талқини) йўл қўйилмайди. Иккинчидан, маъруза эшитган одамда тугал фикр ҳосил бўлади. Бизда эса, афсус иш бундай эмас. Ҳар бир имом ўзи лозим топганини гапиради. Натижада эса имомнинг билимлари савиясидан нарига ўтмайди.

Назаримизда халқ орасида имомларимиз тарафидан олиб бориладиган маърузалар учун умумий матнлар ишлаб чиқилиши зарур бўлган вақт етиб келди. Жума хутбаларини мунтазам равишда тайёрлаб бориш билан бир қаторда диний-илмий маърузалар тўпламини нашрга тайёрлаб чоп этишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу тўпламлар кенг омма қўлида бўлса, дин арбоблари ҳам гапларини пишитиб кейин гапиришга ўрганадилар. Бир масала турли жойларда турлича ёритилмайди. Бу маърузалар тўпламини фақатгина дин аҳли эмас, балки кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан кутиб олади.

Масжидлар фаолияти ҳақида икки оғиз сўз айтмоқ жоиз. Ҳар бир масжидга келадиган аҳоли билан олиб борилиши зарур бўлган диний-маърифий ва тарбиявий ишлар сусайиб кетган, жума кунги хутба билан чегараланиб қолаяпти. Хутбаларнинг мавзулари эса ҳаммага маълум бўлиб қолган масалалардан нарига ўтмаяпти.

Масжидлар узоқ тарих давомида илм ўчоғи бўлиб келган. Машҳур файласуф олим Арастудан, Форобийдан сўнг «учинчи муаллим» ҳисобланган Ибн Мискавайҳ масжид қошидаги китоб хазинасида кутубхоначи бўлган. Баъзи масжид кутубхоналарида минглаб, гоҳида 20 мингдан ортиқ китоблар бўлган. Бугун қайси бир масжид ўзининг бу соҳадаги ишлари билан мақтана олади?

Диний маърифат ишларини илмий асосга қўймас эканмиз, режага солмас эканмиз на таассубга қарши ва на унинг бошқа кўринишлари билан кураша оламиз. Жаҳолат таассубга олиб келади. Ҳодисаларнинг кўриниши билан эмас, илдизи билан, келтириб чиқарувчи сабаби билан курашсак кўзланган мақсадга эришамиз.

Чора-тадбирлар қаторида Имом ал-Бухорий номидаги Ислом институти ҳақида икки оғиз гапириш жоиз кўринади. Бу даргоҳнинг асосий вазифаси республикамизга юқори малакали дин арбобларини тайёрлаб беришдир. Бу арбоблар замона талабига жавоб берадиган, келажакда мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қодир, Ислом динининг ақидавий асосларини бугунги кун илм-фан соҳасидаги янгиликларга боғлай оладиган, илмий дунёқараши кенг, ҳар қандай жамоа ўртасида дадил суҳбат олиб борадиган, дунёвий илмлардан бохабар, бирор европа тилини биладиган ва бошқа кўпгина фазилатларга эга олим бўлиши керак. Лекин уларнинг бугунги кундаги ўқув дастурлари бу соҳада яна анча ишлар қилиниши кераклигидан дарак бераяпти.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари сингари бутун мусулмон дунёсининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу мураккаб ислом дунёсида очиқдан-очиқ ва ғайри расмий фаолият олиб бораётган турли диний-сиёсий йўналишлар кам эмас. **«Улар ё исломнинг устунлигини тан олиш ёки бошқа барча динларга нисбатан муросасизлик ёхуд исломдан тор миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсадини маҳкам тутган ҳолда исломни ўз сиёсий режаларига бўйсундирмоқда».** Бундай вазиятда динлараро муносабатлар ҳам бугунги кун исломшунослигининг долзарб масалаларидан бирига айланади. Бизда диний эътиқод ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олинади. Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик ҳам катта аҳамият касб этади. Ва ниҳоят диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини Президентимиз И. А. Каримов ўзларининг мазкур китобларида аниқ ва равшан баён этганлар.

Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланишини қадимий минг йиллик диний-маданий, ахлоқий қадриятларимизни тикламай туриб тасаввур қилиш ниҳоятда мушкулдир.

Исломшунослик олдида турган муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўладиган вазифалардан бири Халқаро Ислом тадқиқот маркази ва жаҳондаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари орасида илмий ҳамкорлик алоқаларини боғлашдир. Бу фикрнинг мантиқий давоми сифатида марказ илмий фаолиятини асосан икки муҳим йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади: биринчидан, халқимизнинг бой тарихий, маданий, диний меросини ўрганиш. Исломнинг ҳар бир муайян тарихий давридаги жамият ривожига қўшган ҳиссасини, маънавий, моддий маданиятимиз тараққиётидаги ролини очиб бериш; иккинчидан, жаҳон исломшунослиги катта ютуқларни қўлга киритганини назарга олган ҳолда, биз уларнинг қилган ишларини «такрорлаш» йўлидан бормасдан уларнинг шу кунгача қилган ишларини, илмий ютуқларини танқидий ўзлаштиришимиз керак бўлади, аниқроғи улар орасидан биздаги маънавий талабларга, қадриятларимизни янада чуқурроқ ўрганишимизга, исломий фанларимизнинг ривожига ёрдам берадиган йирик ажнабий алломаларнинг қимматли тадқиқотларини вақтида танлаб, таржима қилиб, халқимизга, олимларимизга етказиб турсак айни муддао бўларди.

Президентимиз китобларида кўтарилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда Халқаро Ислом тадқиқот маркази қошида республикадаги етакчи исломшунос олимлардан тузилган ҳамда республика миқёсида исломшунослик соҳасидаги барча илмий ишларни назорат этувчи мувофиқлаштирувчи илмий кенгаш тузиш замон талабидир. Бу кенгашда исломшуносликка оид номзодлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари ҳам тасдиқланиши керак бўлади. Бугун бу йўналишни бирлаштирувчи ягона марказ бўлмагани учун тасдиқланаётган мавзуларнинг долзарблигини ҳам, сифатини ҳам назорат қилиб бўлмайди.

Эътиборни яна бир нарсага жалб этайлик: иқтисодий зарар етказган, иқтисодий жиноят қилган одамларга жазо бор. Лекин ўзини саводхон деб одамларнинг онгини заҳарлаб, Исломда йўқ нарсаларни бор деб, ўз фикрини эса Ислом номидан тақдим этаётган ва бу билан умуман тузатиб бўлмайдиган зарар келтириб, махсус билимга эга бўлмаган ва бу билан давлатимизнинг маънавий-маданий пойдеворига путур етказаётган шахсларга танбеҳ бериш зарурмикан?

Назаримизда, зикр этилган фикрларни амалга ошириш ҳамманинг Ватан олдидаги умумий бурчи бўлиши керак. Бугунги кунда республикамиздаги диний муассасаларнинг асосий вазифаси иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш билан бир қаторда унинг барча илмий, маънавий-маърифий ва ахлоқий имкониятларини давлатимизнинг осойишталигини сақлашдек муқаддас ишга сафарбар қилишдан иборат бўлиши керак.

*Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ,*
*Халқаро Ислом тадқиқот марказининг мудири, фалсафа фанлари доктори.*

Ибратнома

# КИШИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ ТИЛИДАН...

***Халқимизда ажойиб бир нақл бор: «Дуо билан эл кўкарар, ёмғир билан ер кўкарар». Дарҳақиқат, киши қанчалар яхши ишларни ихтиёр этса, шунчалар кўп дуо олади. Солиҳ ота-она доимо фарзандларига: «Эй фарзанд, дунёдаги энг олий мукофот — бу чин ихлос билан олинган дуодир» дейди. Ҳадиси шарифларда ҳам айтиладики: «Уч хил дуо бордирким ул шаксиз мустажоб бўлғай: ота-онанинг фарзанди ҳақига қилган дуоси, мусофирнинг дуоси, мазлум кишининг дуоси». Эл орасида дуо ва унинг фазилатлари хусусида ажойиб нақллар, ҳикматномалар бордир.***

Ривоят қилишларича тоғда яшовчи бир қабила бор экан. Қабила аҳли қўй боқиб, кафтдеккина ерни обод қилиб, Оллоҳ берган ризқини териб ер эканлар. Қабилада бир йигит бор экан. У қабила аҳлининг кирларини ювиб, тирикчилик қилар экан. Лекин шу даражада дилозор эканки, ундан безор бўлмаган одам йўқ экан. Тилидан заҳар томар эканки, бу заҳарга чидашдан кўра, ўлиш осонроқ туюларкан.

Кунлардан бир куни қабила аҳли Мусо алайҳиссаломга арз қилишибди:

— Эй, Оллоҳнинг кароматли пайғамбари Мусо кароматуллоҳ, бизга ёрдам бер, токи биз тилида тикан унган бу дилозордан халос бўлайлик. Сен пайғамбарсан, тилагимизни Оллоҳга тезроқ етказ.

Мусо алайҳиссалом қабила аҳлининг истагини бажо келтириш учун бир саҳарда Оллоҳга илтижо қилибдилар.

— Эй Оллоҳ, шу қабила аҳли бўлган бандаларингни зўр ташвишидан ўзинг халос этгил!

Яна тонг отибди. Кирчи йигит яна бир сават кир энгил-бошларни йиғиб, бошига қўйибди-да, тоғ бошидаги булоққа равона бўлибди. Ўз иши билан машғул бўлиб, ёнига бир ҳақиру фақир кимсанинг келиб қолганини ҳам сезмабди.

— Эй, Оллоҳнинг бандаси, менга раҳминг келсин, — дебди у. — Бир ҳафтадан бери туз тотганим йўқ. Мабодо бир бурда нонинг бўлса, берсангу танамга андак бўлса ҳам қувват кирса.

Кирчи йигит уни боплаб сўкмоқчи бўлибдию илтижо билан боқиб турган кўзларидаги андуҳга тоқат қилолмай, ёнидаги уч дона кулчасидан биттасини берибди.

— Ма, еб нафсингни қондиру бу ердан жўнаб қол, — дебди.

Фақир кимса нонни ебди, булоқдан сув ичибди. Оллоҳга шукроналар айтиб, йигитни дуо қилибди:

— Мендек бир нотавоннинг илтижосини қайтармадинг, Оллоҳ қўлларингга куч берсин, сени балолардан ўзи асрасин.

Умрида заҳарли сўзларига лаънатдан ўзга нарса эшитмаган йигитнинг дили бу дуодан ийиб кетибди. Яна бир кулчасини берибди. Фақир уни ҳам еб, яна дуо қилибди:

— Қалбингдаги карам уммони ҳаммавақт мавж урсин, Оллоҳ сени ҳар қандай бало-қазодан ўзи асрасин.

Кирчи йигит учинчи кулчани ҳам фақирга ҳадя этибди. Фақир учинчи кулчани еб, нафси батамом ором олибди. Яна қўлларини дуога очибди:

— Сени шунчалар саховатли қилиб ўстирган ота-онангга шарафлар бўлсин! Оллоҳ сени бало-қазолардан ўзи асрасин.

Қабила аҳли йигитдан қутулдик деб шодланиб турганида, у соғ-саломат, бошида ювилган кирлар солинган сават билан тоғдан тушиб келибди. Одамлар уни кўриб, ҳайратдан қотиб қолибдилар. Яна Мусо алайҳиссалом ҳузурига чопиб борибдилар:

— Ё Мусо алайҳиссалом, сенинг илтижоинг Оллоҳга етиб бормаган кўринади. Йигит соғ-саломат тоғдан тушиб келди. Энди бу ерларни тарк этиб, ўзга жойдан макон тутмасдан иложимиз йўқ.

— Ўша йигитни бу ёққа чорланглар, — дебдилар Мусо ҳазратлари.

Йигитни бошидаги савати билан бошлаб келибдилар.

— Саватингдаги нима? — деб сўрабдилар пайғамбар.

— Аҳли қабиланинг кийимлари, — дебди йигит.

— Эй одамлар, ўз энгил-бошларингизни олинглар, — дебдилар Мусо алайҳиссалом.

Барча ўзига тегишли кирларни олибди. Не кўз билан кўрсинларки саватда, кирларнинг тагида катта қора илон кулча бўлиб ётган экан.

— Эй, жонивор, бошингни кўтар, тилга кир, — дебдилар Мусо ҳазратлари.

Илон шу онда бошини кўтариб, тилга кирибди:

— Эй, кароматли Мусо алайҳиссалом, мен Оллоҳнинг амри билан шу йигитни чақиб ўлдиришим керак эди. Лекин бу йигит тоғда фақир бир кимсанинг илтижосини адо этиб, унинг уч бора дуосини олди.

— Ул фақир нима деб дуо қилди? — сўрабдилар Мусо ҳазратлари.

— «Сени Оллоҳ ҳар балою қазолардан асрасин», деди. Шул сабаб уни чақолмадим. Шу дуолар қалқон бўлди. Мени эса Оллоҳ шу воқеага гувоҳ бўл деб, бу ёққа юборди.

— Эй, аҳли қабила, — дебдилар Мусо алайҳиссалом. — Оллоҳ ҳар нарсани билгувчи, ҳар яхшиликни ижобат этгувчидир. Бас шундай экан, бир-бирингиз билан яхши муносабатда бўлинглар, дуо қилинглар!

Айтишларича, тили заҳар йигит комил инсон бўлиб камолга етган экан...

Тилимизни ҳар лаҳзада тийиб, жаҳл отига қамчи босмайлик. Жаҳолат бўронини тизгинлаб, саховат уммонини мавж урдирайлик. Қўлимизни дуога очиб бир-биримизга, фарзандларимизга инсофу диёнат, файзу барокат тилайлик. Унутмайлики, ҳадисларда айтилганидек: «Кишининг гўзаллиги тилидан билинур».

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

# ИЙМОН БОР ЖОЙДА



*Бировнинг ҳақидан*
*қўрқмаган инсон,*
*Билмайди нимадир инсофу иймон.*
*
*Иймонли киши бор жойда албат,*
*Юзага чиқади виждон, адолат.*
*
*Манманлик шамдек ёниб ўчади,*
*Камтарлик ҳамиша зафар қучади.*
*
*Қўл учида қилинган ҳар иш,*
*Раҳмат ўрнига келтирар ташвиш.*
*
*Аҳил фарзандлар ота-онанинг,*
*Ҳурматин жойига қўй деб ёнади.*
*
*Ночор қўшнинг қачон бўлгунича тўқ,*
*Биров тан олмас, боймисан ё йўқ.*
*
*Қайси хонадонда яхши келин бор,*
*Остонаси сўзлаб туради такрор.*

*Саидмурод САИДАҲМАД.*

